

КАРИМОВ МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИНИ «ДАНГАСА» АТАБ, УЛАРДАН «ЖИРКАНИШ»НИ БИЛДИРДИ



Президент Ислон Каримов Москва кўчаларини супураётган ўзбекларни «дангасалар» деб атаган ва уларни «тиламчилар»га тенглаштирган.

«Дангасалар деб кимни ҳисоблайман? Хўв Москвани бориб кўчаларини, майдонларини супурадиғанларни. Ўтга нима йўқ... Одам жирканади, ки ўзбек миллатидан шунақа бориб, ўзига бир бурда нон топиш учун шу ёққа бориши керак экан. Ҳа, Ўзбекистоннинг ўзида ҳеч ким очликдан ўлаётгани йўқ!» — деб айтган Жиззах вилоятига сафари чоғида вилоят фермерлари ва фаоллари билан учрашган президент Каримов.

Ўзбекистон президентиға кўра, иш топиш учун хорижға чиқиб кетганлар «шарманда қилади ҳаммамизни».

«Энди тиламчи бўлиб, кўчаға чиқиб, қўлини узатиб сўраш, одамнинг ор-номусига қаттиқ тегади. Ўзбек миллати нима билан ажралиб туради бошқалардан? Ор-номуси билан. Ўлим билан баробар эмасми бу?! Бунақаларни дангаса дейманки, катта пул тезроқ топиш учун у ёққа бориб, шарманда қилади ҳаммамизни.» — деб айтган Ислон Каримов.

Ўзбекистон президентининг меҳнат муҳожирлари ҳақида билдирган бундай фикрлари 20 июн куни Ўзбекистон Телевидениеси орқали унинг Жиззах ва Сирдарё вилоятларига сафарига бағишланган махсус кўрсатувда намоиш этилган.

Президент Ислон Каримов иккинчи бор ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари ҳақида гапирмоқда.

Йил бошида ҳукумат мажлисида гапирган жаноб Каримов четда қийналиб ишлаётган миллионлаб ўзбек муҳожирлари аҳволига илк бора эътибор қаратиб, Ўзбекистондаги ишсизликни тан олганди.

«Уч йил ўқиб, мутахассис бўлган коллеж битирувчиси қаердан иш топади?» — деганди Ислон Каримов — «Мен болаларимизнинг иш қидириб, сарсон бўлишини тасаввур ҳам килолмайман».

Агар, расмий рақамларға қаралса, Россия ва Қозоғистондаги ҳам қонуний, ҳам ноқонуний ишлаётган ўзбекистонлик муҳожирлар сони 5 миллион атрофида.

Уларнинг кўпчилиги қийин шароитларда, ҳақ-ҳуқуқсиз ва энг оғир ишларни қилиб, пул топишади.

Ўзбекистон ичкарасида эса, одатда, бу каби муҳожирларни бориға қаноат қилмасдан, бойлик орттириш учун четға кетган ношукурлар сифатида тасвирлашади ва ҳатто, машхур ашулачилар муҳожирларни қоралаб кўшиқлар айтишган.

Аммо Ўзбекистон иктисодида муҳожирлар жўнатадиган пулларнинг салмоғи жуда катта ва уларнинг Ўзбекистонда қолган оилалари айнан ана шу маблағ эвазига кун кўраётгани, уй солиб, тўй қилаётгани айтилади.

Россия Марказий Банкнинг сўнгги маълумотларига кўра, ўзбекистонлик меҳнат муҳожирлари 2012 йили ўз Ватанларига 6 миллиард долларға яқин пул юборишган.

АҚШ Марказий Истихборот Агентлиги ҳисоб-китобига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 2012 йилда 51 миллиард доллардан сал кўпроқ бўлган.

Бу рақам биргина Россиядан меҳнат муҳожирлари юборган маблағ Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 10 фоиздан кўпроғини ташкил этади ва Ўзбекистоннинг пахта ва газ экспорти даромадидан кўпроқдир.

ВАТАН ИЧИДАГИ МУҲОЖИРЛАР

Ярим тунда халқаро тармоқ саҳифаларини варақлаб турсам хат жилдимға узундан узун хат келиб тушди. Мактуб Америкада яшаётган ўзбек дўстим Темур Хожаяғлидан эди. Темурбейнинг битта гапини келтиришға мажбурман: «Ватан хорижидаги ўзбекларнинг аҳволидан Ватан ичидагиларини ҳоли оғир ва аянчлироқ.» Бу гапларнинг ҳақиқатлиги кўзларимни ёшға тўлатди.

(Давоми: 2-бетда)

МИЛЛАТИМГА АЧИНАЙМИ, МИЛЛИЙЛИГИМГАМИ?

Азиз юртдошларим! Қуйида келтирадиганим, масала ҳар биримиз учун долзарб бир муаммодир! Ёшим 20 дан ўтдики, ҳар куним ғам ва аламда ўтиб бормоқда. Ҳар кунимда ич-этимни ейман, курашиб бўлмайдиган аҳволда қолгандек ҳис этман ўзимни. Бу кураш йўли, атрофимдаги мен яшаётган жамиятимнинг тарбиясизланишиға қарши бўлган кураш йўлидир.

(Давоми: 3-бетда)

СУДГА ЧАҚИРИЛГАЧ, ЎЗИНИ ЁҚИБ ЎЛДИРДИ

Яқинда ўз манбамизнинг хабар қилишича, Самарқанд вилоятининг Пойариқ тумани, П. Нурманов жамоа хўжалиги Чангороқчи қишлоғи турғуни Сухроб Самандаров (1973 йилда туғилган) 2013 йил 3 июн куни ўз уйида, ўзига ўзи бензин қуйиб ёқиб юборган.

(Давоми: 4-бетда)

НЕГА ЎЗБЕКИСТОНДА “СТЕВИЯ”ГА ЙЎЛ БЕРИЛМАДИ?

СТЕВИЯ номли кўпйиллик ўтнинг ватани Лотин Америкасининг Парагвай мамлакатидир. Ватанида бу ўсимликни “асал ўт” (La hierba de miel) дейишади. Ватани Парагвай дейилса-да, бироқ стевия Лотин Америкасининг бошқа мамлакатлари ҳамда Марказий Америка мамлакатларида ҳам тарқалган. 1970 йилдан бошлаб мазкур ўт билан японлар қизиқа бошлашди. Ҳозирги кунда стевия баргини тайёрлаш (йиғиш) бўйича Япония дунёда биринчи ўринни эгаллайди ва дунёда бу мамлакатнинг стевия массасини тайёрлашдаги улуши 40%ни ташкил қилади.

(Давоми: 5-бетда)

Ярим тунда халқаро тармоқ сахиқларини варақлаб турсам хат жилдимга узундан узун хат келиб тушди. Мактуб Америкада яшаётган ўзбек дўстим Темур Хожаўглидан эди. Темурбейнинг битта гапини келтиришга мажбурман: “Ватан хорижидаги ўзбекларнинг аҳволдан Ватан ичидагиларини холи оғир ва аянчлироқ.” Бу гапларнинг ҳақиқатлиги кўзларимни ёшга тўлатди.

ВАТАН ИЧИДАГИ МУҲОЖИРЛАР

Чунки мен хориждаги ватандошларимизни ўйлаб кўп эзилар эдим. Ҳозир юртимда мевалар фарқ пишган. Олча, ўрик, гилос, тут... Йўлларнинг четида қатор тизилган дарахлардан мевалар ерга гиламдек тўшалган. Шундоққина кўлга олиб ариқнинг сувига чайиб оғизга солинса бас. Аммо бу мевалар томоғимдан ўтмас эди. Қанчадан қанча кадрдонларим юрт ташқарисидан бу неъматлар соғинчида яшамокда деган ўй азоб берарди менга. Ўйлаб қарасам, юрт ичида туриб ҳам бу неъматларни кўриб туриб ҳам ея олмайётганлар, еса-да заҳар-заққум килиб ютаётганлар сонсиз-саноксиз экан. Истанбулнинг Таксим деган жойида бир киши полицияга қўшнисидан шикоят килиб: “Жаноб, пардани очиб, ялонғоч бўлиб чўмиладилар. Бизнинг оиламиздагиларга бу ёмон таъсир қилади”-дея мурожаат килибди. Полиция: “Биз нима қилайлик?” Биз уйнинг ичига аралаша олмаймиз”, деган экан.

Ҳеч бир юртнинг “маҳаллаот”и ва мелицияси бизникилар каби уйнинг ичига, инсоннинг қалбига, эътиқодига, амалига аралашмаса керак менимча. Аслида бу ҳуқуқ фақатгина исломга тегишли. Ислом адолат мезонидан инсоннинг уйини ичига ҳам аралашади, қалбнинг ичига ҳам аралашади, онгига, ниятига ҳам аралашади. Зотан аралашмаса, қонун мукамал бўлмайди, интизом тўлиқ таъминланмайди. Полиция кўчада тургани билан ичкарида тартибсизлик давом этаверади. Шунинг учун ҳам Исломнинг бу вазияти буюқ бир устулик саналган.

Бироқ, биздаги аралашув бунинг акси ўлароқ Иймонга аралашув, фарз бўлмиш

рўмолга аралашувдир. Рўмол ўраган аёл борки, ҳақийр ва хордир, хатто энг қора ишларгаям рўмолдаги аёл олинмайди. Истаган жойда истаган киши бошингизга чанг солиши мумкин ва албатта у ҳақ бўлиб чиқади.

Яқинда турар жойдан справка сўраб маҳаллага чиқдим. Справкасиз болангизни хатто спорт тўғарагига ҳам олишмайди. Справка сўраб чиқди дегани кўлга тушдинг демасдир.

Ҳамма жойда бу справкалар шунақа рол ўйнайдик... Маҳалла оқсоқоли, агар рўмолингни ечиб ташласанг справка берарман, бундай ҳолатда юриш бизнинг жамиятимизда жиноят саналади, деди. Справкасиз ўғлимга шаҳодатнома берилмайди, шаҳодатномасиз олий ўқув юртига қабул қилинмайди. Бу ҳолатимни жиноятга алоқаси йўқлигини изохламоқчи бўлишим билан раис бошимга чанг солиб рўмолимни юлиб олди. Ва мана сенинг жиноятинг дея рўмолимни ерга топтай бошлади. Ҳаё инсонни ўлдирмоққа қодирлигига яна бир бор амин бўлдим ўшанда. Менинг бир дўстим бувиси ҳақидаги хотирани кўп гапирар эди: “Хужумчи”лар даврида бувимнинг бошидаги ёпинчиғини юлиб олиб ўтга ташлаб ёндиришганида бувим уятдан юраги ёрилиб ўша заҳоти ўлган эканлар, дея эслар эди у.

Бундан уч йил аввал шаҳар чеккасидан ҳовли қурдик. Ҳовлини атрофини девор билан ўраб олган эдик. Мен жуда ғаюрман, қизларим ҳовлини ичида очик юриши мумкин, дея, кўча томонга дераза ҳам қўйдирмаган, дарвозанинг тирқишларигача бегоналар назар ташламасин дея пахта тикиб чиққан эдим. Бир куни маҳалланинг оқсоқоли деворимдан ошиб ҳовлимга (!) кирди. У бунга ҳақли эмиш! Қойилмасиз? Бекорга маҳаллаотларнинг раислари “Шухрат” орденларини олишмайди.

Нега сенинг дарвозанг доим ичкаридан қулф туради, нега битта ҳам туйнук қолдирмагансан, ҳамма жойни бекитиб ташлагансан? Биз маҳалла раислари ичкарида нима бўлаётганини билиб тури-



шимиз керак. Иддаога боқинг!

Уларга тешик ва туйнуклар бу қадар зарур. Буниси ҳали холва экан.

Кейинги йил шаҳар ичига кўчдик. Уйимизнинг кўча томонига биттагина форточка қолдирдик. Бир куни кеч соат ўнларда форточкадан бир кишининг калласи ярим танасигача кириб турибди. Очик турган форточкадан нақ уйимга кирмоқда ҳалиги киши. Ташқарига отилиб чиқдим Кимсан? Менинг уйимда нимангни йўқотдинг? Нима ҳақинг бор, бировни уйига бостириб киришга? Саволларимни тўхтата олмасдим. Ҳалиги киши бакиришга тушди: Участка нозирни каерга қарайди, нега мана бу “вахобий”ларга ҳеч ким индамайди, булар устидан қулфлаб олиб ичкарида нима қилади”, дея дод соларди у. Бир пасда нозир ҳам пайдо бўлди. Биз гуноҳкор-у айбдор бўлдик маҳалланинг айғокчисига уйимнинг деразасидан кириб қолган бошингни торг, деганимиз учун. Ва отнинг калласидек жарима тўлаб саккизинчи жойга кўчдик.

Бундан ҳам қизиғи куни кеча бўлиб ўтди. Метроларда рўмолчиларни нафақат рўмоли хатто бошқа жойигача текширишмоқда. Қизларимнинг шимларини калтароқ қилдириш мақсадида тикувчиникига кетаётган метрога тушдим. Кираверишда икки нафар мелиция ходими, киргач иккитаси сўмканда нима бор, дея тиклашга тушди. Иштон бор дедим. Ишонмасдан сўмкамдаги иштонларни олиб роса қоқиб кўришди. Бир бурчакда эса бўй етган қизим номусдан ўқсиб-ўқсиб йиғлар эди...

Темурбей! Сиз ҳақсиз! Ватанимнинг мевалари бизга қимматга тушмоқда!

Муаййада Шукурова

КУКУША ЕКИ ГУГУША ХАКИДА

*Бу ҳаётда Кукушанинг
Қилмагани қолмади,
Юртини талай-талай
Шилмагани қолмади.
Шўрлик ўзбек ҳалқини
Юрагини ёшлади
Ҳаммани рақиб билиб
Зиндонларга ташлади.
Отамга ворисман, деб
Янги ҳунар бошлади,
Омма тўплаб атрофга
Қўшиқ айта бошлади.
Эшитарми одамлар
Эшитмасми, иши йўқ?!
Беўхшов қилиқлари
Бас, дейдиган киши йўқ.
Ўзи айтган қуйларга
Ўзи бўлар маҳлиё*

*Бораверар қийшанглаб
Анжуману тўйларга.
Кукушка келган ердан
Қочар бўлди одамлар
Тунлар қулоққа ёстиқ
Босар бўлди одамлар.
Аждодларидан қолган мерос
Кукушга ҳам ўтгандир?!
Балким буюқ боболарин
Нафаслари юққандир?!
Хуллас қирқта макр-ҳийла
Ул хотунга оз бўлди.
Заргарликдан-ҳофизгача
Хунарлари соз бўлди.
Отажони таклиф берди,
Бир иложин ўйлайлик
Кукушани ўрнимга
Тўра қилиб қўяйлик.*

*Бўлса элга юртбоши
Мартаба баланд бўлса
Мажлис, қабул, нутқ, сафар.
Хуллас доим банд бўлса.
Балки қўшиқ айтишга
Вақти қолмас, улғурмас
Амалидан уялиб
Ҳофизликни эп кўрмас.
Келишдилар Кукуша
Энди юртнинг эгаси
Атрофида лўттибозу,
Отарчилар жўраси.
У курсида ўтирар
Қўлни қўйиб белга
Яна ҳам қийин бўлди
Ўзбекистон элига.
Чидаб, сукут сақлаган
Маишатга эш бўлур
Қўшиғини мақтаган
Албат иши беш бўлур.
Бу шўрлик юртда энди*

*Бошқа бирор қўшиқ йўқ
Биргина Кукушанинг
Қўшиғига тўсиқ йўқ.
Хатто қўмсаб, ноёб, деб
Сўйлар бўлди шақоллар
Кукушага ўхшатиб
Қуйлар бўлди шақоллар.
Қарсақ, олқиш, мадҳия
Авжга чиқиб басма-бас
Ёшлар деди: Бизга энди
Бошқа қўшиқ керакмас.
Ҳаммамиз бу қўшиқнинг
Фидойиси бўлурмиз.
Уни айтиб яшадк,
Уни айтиб ўлурмиз!
Во ажаб, булбули йўқ,
Хўрози йўқ ул маъво
Ўзбекистонда ҳамон
Янгерар ёлғиз бир наво!*

Нусрат Яқин

Азиз юртдошларим! Қуйида келтирадиганим, масала ҳар биримиз учун долзарб бир муаммодир! Ёшим 20 дан ўтдики, ҳар куним ғам ва аламда ўтиб бормоқда. Ҳар кунимда ич-этимни ейман, курашиб бўлмайдиган аҳволда қолгандек ҳис этаман ўзимни. Бу кураш йўли, атрофимдаги мен яшаётган жамиятимнинг тарбиясизланишига қарши бўлган кураш йўлидир.

холос ва ҳозирда мана шу жамиятим ичра бемалол юра олмайман. Нега? Бу саволимга ўзим жавоб беришим ҳам мумкин.

Аввало одамларда диний тарбия йўқолиб, у шунчаки оддий бир сўз бўлиб қолди холос.

Кишилар диёнатдан қанчалар узоқлашгани мени муттасил қон йиғлатади. Уларда меҳр оқибатни кўрмайман, раҳмини кўрмайман,

Кузатаман, одамларни кулоқлари наушникда, кўзлари телефонда, хаёллари бузуқ, дискотека маконлари, чекиш эса обрўли иш улар учун. Ичиш ҳам оддий ҳолат, зино нима эканини билишмайди ва на кўзларини, на кулоқларини, на тилларини ва на дилларини ундан сақлашади.

Бизнинг жамиятимиз ташқи кўринишни устун биледи, ҳаёт ҳикматини г ў з а л л и к д а н кидиради.

МИЛЛАТИМГА АЧИНАЙМИ, МИЛЛИЙЛИГИМГАМИ?



Анча ёшлик даврим эди, мен биринсонлар орасида, бу жамиятимиз ичида бемалол, шод яшардим. Менинг ҳаётимда “диёнат” тушунчасига ҳам ўрин йўқдек эди. Разил одамлар ва уларнинг жирканч ишларига гувоҳ бўлардим, аммо ўзимга олмасдим. Сиқилиб куйинмасдим, бу ҳолдан бошқалар жабр кўриб зулмда қолиши мумкинлигини ўйлаб сиқилмасдим ҳам.

Ўша ёшлик даврларимдаёқ одамларни кузатиш истагим бор эди. Мен одамлар гавжум жойларни узоқлардан кузатардим. Одамларнинг кийиниши, суҳбатлари, барча ҳатти ҳаракатларини синчиклаб кузатардим. Соатлаб кузатардим, аммо улардаги одат ва қилиқлари, турли ҳатти-ҳаракатлари кўплигидан, бу кузатувлар учун соатлар ҳам етмасди.

Аста-секинлик билан уларнинг диёнатларини катта эътибор билан кузатадиган бўлиб қолдим. Умумий айтадиган бўлсам, одамлар бугунги кун ғами билан яшайдилар ва улар бугунги нуқсонларини эртага тағин такрорламаймиз деб ўйлашади.

Ҳозирги кундаги ҳолатимни келтирсам, сизлар учун бўлиши мумкин бўлмаган бир ҳолат кўз ўнгинида гавдаланар, аммо бу ҳақиқатдир! Айни дамда мен жуда намозхон ва илмли бир толиб эмасман. Мен мана шу сифатларга эга бўлиш иштиёқида яшаётган бир бандаман

бири учун бирининг жон куйдирганини ҳам кўрмайман. Одамлар бир бирини алдаб кетишларини жуда азобли деб қабул қиламан.

Шу жамиятимизда шундайлар ҳам борки, улар судхўрлик қилишади ва мен уларга қандай ёрдам берай ахир? Шу жамиятимизда одамлар бир бирларига иш ва манфаат кўзлаб сохта меҳр беришмоқда, ишлари битганида эса бир бирларига бемалол хиёнат қилишмоқда. Эҳсон, закот ёки оддий садақа каби ишлар йўқ бўлиб бормоқда...

Мен узрсиз қилмаган ибодатларим учун бу дунёнинг бирор ишини сабаб қилиб келтира олмайман, чунки айб ўзимда. Менда идрок, фаҳм, онг бор. Жамиятимиз эса ёшликда ўйнаб кулиб олишни калима қилмоқда, беш кунлик дунёда яшаб қолишни истамоқда.

Азизлар! Ахир беш кунлик дунёнинг ҳикмати бошқа нарсдаку. Ўйнаб кулиш — бу нафснинг ўйини ахир! Одамларга боқаман ҳаловати йўқ, улар ҳамиша нимадандир азобда, доим бир ками учун куйиниб юради, бироқ бир бирларига меҳрлари йўқ. Бунга истак ҳам йўқ. Чунки ўзининг муаммолари етиб ортиб бораётган одамга яна бир одамни дардини, муаммосининг нима кераги бор?

Аммо кераги бор-да шунинг. Биз киммиз ахир, ҳақиқий мўминларми ёки ўз билганимизча мўминми?

Жамиятимда метин ёшлар, мискин қариялар ва диёнатли қалб эгалари жуда кам қолгандек. Жамиятимизнинг Исломиятни тарқ этиши ва бу дунёни нафсининг ҳақиқати ила тасаввур этиши мени кун сайин қайғуга ботиради.

Мен одамларга қарамай ерга қараб юрадиган бўлиб қолдим. Уларга қараш қанчалар азоб ахир, кўзларимиз ҳар лаҳзада зинони кўради. Кишилардаги онанинг, ёки отанинг номига қараб сўкишларни ҳеч қачон ҳазм қила олмасам керак. Одамларнинг бир бирларига ишончи каби тушунча нақадар кўтарилди бу жамиятимиздан. Иигитларда ҳам, қизларда ҳам, аёллар ва эркекларда ҳам ориятнинг емирилишини кўриб азобланаман.

Азизлар! Сиз учун дилимдан бир гаплар ўтди, шуларни айтиб ўтаман. Бу жамиятимизнинг бугунги тарбияси мутлақ кўр ва қар тарбиянинг бошланишидир. Бунинг бошланиши эса ҳар биримизнинг оилаларимиздан тортиб токи ҳукуматимизгача мутлақ алоқадордир.

Бу ишларга Ислом динимиздаги асосий тарбия қисмларининг унутилиши, ёхуд йўқ қилиниши сабаб бўлди. Ҳар биримиз учун ва ҳар бир зурриёдимиз учун ҳар замон ва ҳар вақтда энг ва ягона Ҳақ тарбия бу мутлақ Ислом тарбиясидир. Шунини унутмайликки, бу тарбия бизнинг миллий тарбиямиз ҳамдир! Мен ҳамиша мана шу тарбияга интилиб яшайман.

Жамиятимизни ислоҳ этиш учун аввало ўзим ва оиламни ислоҳ этайман, энди жамиятимизни ислоҳ этиш учун ҳаракат қилмоқдаман. Айтганимдек, ислоҳот учун ҳар биримизнинг оилаларимиздан тортиб то ҳукуматгача жалб этилмас экан, биз диёнатдан йироқ бўлиб қолаверамиз ва келгусида ҳам бу дунё ҳикматини ўз нафсимиз ҳикмати билан баҳолайверамиз.

Ассаламу Алайкум ва раҳматуллохи ва баракатуху.

Хикмат-ул Диёнат

СУДГА ЧАҚИРИЛГАЧ, ЎЗИНИ ЁҚИБ ЎЛДИРДИ

Яқинда ўз манбамизнинг хабар қилишича, Самарқанд вилоятининг Пойарик тумани, П. Нурманов жамоа хўжалиги Чангороқчи қишлоғи турғуни Сухроб Самандаров (1973 йилда туғилган) 2013 йил 3 июн куни ўз уйида, ўзига ўзи бензин қуйиб ёқиб юборган. Сабаби, уч йил аввал хотини билан ажрашган ва ўртада битта фарзанди бўлган, ҳеч қаерда тайинли бир иш топилмагани ва фақат мардикорлик билан кун кечирганлиги сабабли уч йил давомида бола нафақасини (алимент) тўлай олмаган,

шунинг натижасида суд томонидан 4 миллион сўмлик бола нафақаси ва жарима учун судга чақирув бўлган.

Самандаровлар оиласида уч ака-ука фарзандлар бўлишган ва маҳаллада Самандаровлар оиласи ночор оилалардан бири бўлганлигини маҳалладошлари эътироф этишади.

Уйи ва ўзининг танаси қуйиб қулга айланган бу инсон ҳам бошқалар қатори ота-онасининг, ака-ука жигарларининг, жажжи фарзандининг вақти келиб меҳрибон отаси ва ёру-дўстлари

меҳрибони ва кадрдони бўлишга ҳақли эди-ку, ахир.

Бугунги кундаги зolim диктатор И. Каримов ва унинг ялоқхўр манкуртлари тузган режими асосида сиёсати ва иқтисоди мана шундай инсонларнинг ва қолаверса халқ ҳаётига ва бошига не-не кулфату балоларни ёғдирмоқда!

ЎХХ азоси Сарлочин



НЕГА ЎЗБЕКИСТОНДА “СТЕВИЯ”ГА ЙЎЛ БЕРИЛМАДИ?



СТЕВИЯ номли кўпйиллик ўтнинг ватани Лотин Америкасининг Парагвай мамлакатидир. Ватанида бу ўсимликни “асал ўт” (La hierba de miel) дейишади. Ватани Парагвай дейилса-да, бироқ стевия Лотин Америкасининг бошқа мамлакатлари ҳамда Марказий Америка мамлакатларида ҳам тарқалган. 1970 йилдан бошлаб мазкур ўт билан японлар қизиқа бошлашди. Ҳозирги кунда стевия баргини тайёрлаш (йиғиш) бўйича Япония дунёда биринчи ўринни эгаллайди ва дунёда бу мамлакатнинг стевия массасини тайёрлашдаги улуши 40%ни ташкил қилади. Япония стевияни мамлакатнинг миллий бойлиги деб эълон қилган ва уни ташқарига олиб чиқиб кетишни тақиқлаган.

Стевия қанақа ўсимлик ва унинг аҳамияти нимадан иборат? Стевия бўйи унча баланд бўлмаган (тахм. 70 см) ўт бўлиб, барги кичик, ингичка, узунлиги 1 (бир) см нари-берисида. Баргини тилингизга тегизсангиз дарҳол ширин таъмни сезасиз. Стевия “шакари”нинг ширинлик даражаси оддий шакарнинг ширинлик даражасидан 200-300 баробар юксаклиги айтилади. Шундай бўлса-да, стевиядаги калория миқдори оддий шакардаги калориядан фарқли ўлароқ жуда паст (деярли йўқ даражада). Шунинг учун ҳам стевия ширинлик ўрнини босувчи моддалар орасида биринчи ўринда туради. Бунинг маъноси шундан иборат-ки, стевия “шакари” истеъмол қилинганда у одамга ширинлик егандай туюлади, бироқ у одамга деярли калория бермайди. Одамлар одатда бемейёр овқат ейиши, яъни бир ўтиришда организмга катта миқдорда калория қабул қилиши тўғрисида семирив кетадилар ва у

бир қатор касалликлар, жумладан “қандли диабет”ни келтириб чиқариши мумкин.

Стевия “шакари”нинг “кучи” оддий шакар кучидан 200-300 баробар катта эканлигини юқорида айтиб ўтилди. Маълум-ки, барча ўзбекча пишириқлар ҳамда кулинария фабрикаларида ишлаб чиқарилувчи торт, булочка, кекс, пирожний (ва х.)ларга шакар қўшилади. 300 (уч юз) кг шакар қўшилган пиширик (ёки кулинария маҳсулоти) қанча бўлса, шу ҳажмдаги пиширик (ёки кулинария маҳсулоти)ни тайёрлаш учун стевиянинг 1(бир) кг “шакари” етарли экан: таъм (ширинлиги) нуктаи-назаридан ўша-ўша, бироқ калория нуктаи-назаридан ер билан осмонча фарқ қилади. Бошқача айтганда, стевия “шакари” организмнинг ширинликка бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлайди ва айна пайтда организмга ортиқча калория бермайди. Иқтисодий самарани қаранг: 1 га 300!

Хўш, стевиянинг Ўзбекистонга нима алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Алоқаси шунда-ки, стевияни Ўзбекистонда экиш, барглари тўплаш ва ундан стевия “шакари”ни ажратиб олиш ишлари бундан, агар адашмасам, 20 йиллар илгари бошланган эди. Ўша йиллари “Правда Востока” газетасида стевия ва унинг Ўзбекистондаги тақдири ҳақида баҳайбат мақола ҳам чоп этилган эди. Тошкентлик бир дўстим, 2004 йилда бўлса керак, мени ўзининг туғилган кунини нишонлашга таклиф қилди. Менга ўхшаш меҳмонлар 3-4 та экан. Мулоҳазали, билимли бир одам менинг диққатимни тортди (афсус-ки исм-шарифлари эсимда қолмаган, шунинг учун мен у кишини шартли равишда Аҳмад ака деб ёзаман): Аҳмад ака дўстимнинг кудаси экан. Зиёфат тарқатгач, мен Аҳмад ака билан узок сўхбатлашдим ва стевия ҳақида биринчи марта шу кишидан эшитдим.

Аҳмад аканинг айтишича, стевия уруғини Парагвайдан олдириб келган, бешта вилоятдаги бир неча совхозлар билан стевия экиш, етиштириш ва баргини йиғиш бўйича шартнома тузган. Ҳосил яхши бўлган – 80 тонна стевия барги олинган. Айна пайтда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси стевия бўйича махсус қарор қабул

қилган: қарорда мамлакатда озиқ-овқат ишлабчиқарувчи саноат корхоналарида кондитер маҳсулотлари тайёрлашда стевия “шакари”дан фойдаланиш топширилган. Бир қарашда Япониядагидек стевиядан фойдаланиш бобида кенг йўл очилгандек бўлган. Бироқ кўп ўтмай Вазирлар Маҳкамаси ўзининг бу қарорини бекор қилган. Аҳмад ака илгарироқ қатор кондитер фабрикалари билан шартномалар тузган, бироқ бу шартномалар чиппақка чиққан.

Ҳар бир қинғир иш ошкор бўлгани каби Вазирлар Маҳкамасининг “Стевия иши” ҳам ошкор бўлди ва бу қинғир иш бошида Абдор Усмонов турганлиги маълум бўлди. Ўша пайтда шакар мафияси Ўзбекистонга шакарни асосан Украинадан олиб келаётган эди. Вазирлар Маҳкамасининг стевия ҳақидаги қарори чиққач, шакар мафияси қаттиқ ваҳимага тушган – стевия “шакари” Ўзбекистондаги озиқ-овқат саноатидан шакарни сиқиб чиқариши, бунинг натижасида шакар мафияси мисли кўрилмаган йўқотишлар олдида қолиши мумкинлиги аниқ бўлган ва мафия ... ишга киришган. Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бекор қилдириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди!

Аҳмад аканинг қўлида 80 тонна қуритилган ва сараланган стевия барги қолиб кетаверди. Бироқ Аҳмад ака ўғиллари билан картондан ясалган 200 граммлик қутича (пачка)га стевияни қадоқлаш цехи ва Тошкентда стевия-“чай” сотадиган ягона дўкон очиб, уни савдога чиқаришди. Кейинчалик Аҳмад аканинг бир ўғли Москвада ҳам стевия-“чай” сотадиган дўкон очганини эшитганман. Бир чойнак чойга (ёки қайноқ сувга) стевия баргидан 2 (икки) дона солсангиз ширин стевия-чайи тайёр бўлади. Бардан кўпроқ солсангиз чойнинг ширинлиги ошиб кетади ва ичишга қийналишингиз мумкин. Бу чойнинг 1-2 пиёласини ичсангиз, конингиздаги қанд моддаси даражасини дарров нормал ҳолга келтиради.

Бу тарих, яъни стевия тарихи бир ҳақиқатни аниқ исботлади: Ислом Каримовнинг давлатни бошқариш сиёсатида асосий рольни мафия гуруҳлари ўйнашган.

Давоми кейинги саҳифада)

НЕГА ЎЗБЕКИСТОНДА “СТЕВИЯ”ГА ЙЎЛ БЕРИЛМАДИ?

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
“Бизда олигархлар бўлмайди!” – бу И.Каримовнинг гапи [Олигарх – ҳукумат сиёсатига таъсир ўтказоладиган катта бойлик эгаси]. Олигархни мафия гуруҳисиз тасаввур этиб бўлмайди.

(Бу – факт. Унинг тўнғич кизи Гулнора Каримова – олигарх. Бу ҳам – факт. Демак, Гулнора Каримовани олигархга айланишга гирди-капалак бўлган мафия тўдаси мавжуд. И.Каримовнинг юқоридаги гапи кизининг олигарх эканлигини яшириш учун эмас, балки “Ўзбекистонда мафия йўқ, менинг иктисодий сиёсатимга мафия аралашган эмас” деган фикрни халқ онгига сингдириш учун айтилган. Лекин унинг бу иддаосини шакар мафияси тўлиқ инкор этди.

Стевия билан боғлиқ масалада Япония инсонлар соғлиғи ва мамлакат учун пул топиш каби икки инсонпарвар мақсадни кўзда тутган ҳамда бу мақсадларни амалга оширган. Қандли диабет дунёда таборо кўпайиб бораётган асрнинг оғир касаллигидир. Демократик ҳукуматгина биринчи ўринга ўз халқининг соғлиғини кўяда ва уни яхшилаш учун барча чора-тадбирларни кўради. Стевия қандли диабетли касалнинг оғирини енгил қилувчи ўсимлик эканини тушунган япон ҳукумати уни, ўзида ўсмаса-да, юқорида айтилганидай, “Япониянинг миллий бойлиги” деб эълон қилди. Мафиянинг бевосяга таъсирида иш олиб бораётган Ислоҳ Каримов ҳукумати учун халқ соғлиғи тушунчаси ётдир. Шунинг учун Ўзбекистонда стевия тақдири аянчли бўлди, тўғрироғи, унинг олдига баҳайбат тўсиқ қўйилди. Ваҳоланки, стевиани етиштириш учун Ўзбекистон иқлим шароити бебаҳодир.

2-чи жаҳон уруши бошлангач СССР ҳукумати Украинадаги барча қанд лавлагидан шакар олувчи заводларни Ўзбекистон ва Қирғизистонга кўчирди. Қанд лавлагидан ўзбеклар ажойиб шинни тайёрлашларини мен яхши эслайман. Уруш пайтида қанд лавлаги Ўзбекистонда кўплаб хонадонларни очликдан ва бевақт ўлимдан сақлаб қолди. Менинг бир тоғамнинг айтишларича, Жиззахда, биз яшаган колхоз далалари-

да етиштирилган лавлагилар ўзининг баҳайбатлиги билан ажралиб турар экан. Тоғамнинг айтишларича, битта лавлагини тортиб қўришганларида у 23 кг чиккан. Бу – Ўзбекистон ерларига ёғилаётган қуёш нурунинг мўллиги ва интенсивлигининг кўрсаткичидир. Уруш даврида Ўзбекистон ва Қирғизистонда тайёрланган шакар нафақат урушаётган армияни, балки бутун СССРни таъминлаган. Уруш тугашча, заводлар демонтаж қилиниб яна Украинага олиб кетилди. Урушдан кейинги давлат сиёсати Ўзбекистонни асосий пахта зонасига айлантириш бўлгани сабабли қанд лавлагини оммавий равишда экиш тўхтатилди. Камдан-кам одамлар қанд лавлагини ўз томорқасида экишмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг уруш даврида орттирган қанд лавлаги етиштириш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда И.Каримов ҳукумати мамлакатда шакар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бирорта ҳам завод қуришга йўл қўймади. Бир мисол: Ўзбекистон Олий Мажлисининг Жиззах вилоятдан депутати Мели Қобилов 90-чи йиллар бошида Туркия фирмалари ҳамкорлигида Жиззахда қанд лавлаги асосида ишлайдиган шакар заводи қуришни мўлжаллади ва ишни бошлади. Бироқ вилоят ҳокими, И.Каримовнинг ишончли одами ҳисобланган Алишер Тошкентбоев Мели Қобилов олдига катта миқдордаги шериклик шартини қўйган. Завод қурилмай қолди. Қанд лавлаги тақдири ҳам стевианики каби аянчли бўлди. Эркин иктисод бўлмаган шароитда унинг ўрнини мафия эгаллайди. И.Каримов мафияси учун шакарни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришдан кўра четдан олиб келиб сотиш даромадлироқдир.

Автомобилсозлик ривожланган, деярли ҳар бир хонадонда камида битта машина бўлган мамлакатларда велосипед заводлари маҳсулот чиқаради. Оилада уч одам бўлса, ҳар бирига биттадан машина билан бирга ҳар бирига биттадан велосипеди бўлган оилалар ҳар қадамда учрайди. Велосипедга бундай мамлакатларда транспорт воситаси сифатида эмас, инсон соғлиғи учун за-

рур бўлган восита сифатида қаралади. Ўзбекистонда 24 йилдан кейин ҳам велосипед транспорт воситаси сифатини йўқотган эмас. Транспорт воситалари орасида болалар самокатини ҳисобга олмаганда велосипед энг содда ва камхаражатлидир. И.Каримов ҳокимиятни эгаллагач, ўз имиджини ошириш учун унга Ўзбекистонни “автомобилсозлик мамлақати” деб аталиши керак бўлиб қолди. Ўзбекистонда автомобиллар ишлаб чиқарилса-да, Ўзбекистон “автомобилсозлик мамлақати”га айланмади. Сабаби аниқ: Ўзбекистон ўзининг автомобиллини ярата олмади. Бироқ И.Каримов битта Асака автомобил йиғиш заводи ўрнига 10 та велосипед ишлаб чиқариш заводини курса бўларди. Бундай заводларнинг маҳсулоти 30 миллионлик мамлакат аҳолиси учун тўтиё айланар эди. Бунга велосипедларни шакарга ўхшаб ташқаридан олиб келадиган велосипед мафияси йўл бермади, шекилли.

Баъзи экспертларнинг айтишича, совет давридан қолган иктисодни барбод қилиб бўлгач, И.Каримов янги демократик иктисод ярата олмади. Унинг ўрнига “Мени ва оиламни шулар қўриқлайди” деган фикр ва ниятда баҳайбат кучишлатар тизимини яратди. Милициясининг ўзи 800.000 дан ошган бу тизим коррупция, порахўрлик, ўғирлик, талон-тарож ва мусодара қилиш, ур-йиқит, қийноққа солиш, қўрқитиш, камаш, ўлдиришдан бошқа нарсани билмайди. Буларга яна маош ҳам бериш керак. Давлат хазинаси ҳам ўлсинми? Бу текинхўрларни боқиш учун турумтоғ ҳам чидамайди. Яқинда мен Ўзбекистонда яшаб турган 2-3 мутахассислар билан гаплашдим. Улар: “Президентимизнинг ақли кира бошлади, таланти ҳам 70 дан кейин очилди. Ҳозир у ҳар қандай янгилик бўлса, марҳамат, киритинглар, мен гарантман” деяпти, дейишди. Давлат ҳамёни бўшаб қолса нималарни қилмайсан? Бундай шароитда асосий хавфни халқдан эмас, ююга айланган кучишлатар тизимлари вакилларидан кутиш керак. Халқ чидаган, чидаб келган, чидаб бораверади. Тарихнинг айтишича, мустабиднинг қулига айланган соқчилари чидамас экан.

Толиб Ёқубов

ПРЕЗИДЕНТ ЎЛДИ ДЕБ ТАХМИН ҚИЛСАК...

Ишларимиздан аён бўлдики, мамлакат аҳли президентга ишонмайди, ундан талаб қилмайди, сўрамайди. Халқ ҳукуматдан сўрашни ва унга бирор нарсани уқтиришни, бемаъни бир иш деб билади.

Йилига \$6.240.000.000 киришга эга бўлган эл камбағал ҳисобланмайди. Аслида бундан-да кўп.

Халқ ҳукуматдан мутлақо ажралган ҳолда, пешона тери билан, мардикорда ўзига яхшигина пул топяап-

ти. Мардикорда ишлаш, халқ учун жиддий иш. Сизларнинг ижтимоий аҳволларингизни, адолатли жамият билан яхшилашимиз, деган тушунтиришларимизни қабул қилмайди. Халқ бугунги аҳволига кўниккан.

Статистика бўйича, халқнинг 5 фоизи, барибир сиёсат билан шуғулланади. Бу фоиздан аъзоларимизни топиш осон иш эмас. Профессинал бир иш.

Русларнинг бир мақоли бор: “Лучше

там, где нас нет”. Айтмоқчиманки, ватанда биздан яхшироқ ишлайдиганларнинг ва ишлаётганларнинг борлигига ишонмайман. Ёмон ишламаганмиз, ёмон ишламасмиз.

Президент вафот этди, деб деб тахмин қилайлик: мамлакат бошқарувсиз қолади. Хаос бошланади. Ўзбекчасига айтганда, ит эгасини танимайдиган сиёсий аҳвол юзага келади. Бу муваққат ҳукумат тузиш шароитидир. УХХ қандай қилиб бунда иштирок қилмоқчи — менга қисман номаълум...

Нураддин Жуманиёв

Европа давлатлари Берлин девори кулаганининг 20 йиллигини кенг нишонлаётган кунларда, собиқ СССРни қолган дунё билан ажратиб келган темир девор соясида содир бўлган айрим хангомалар ёдга тушмоқда.

1982 йили Ўзбекистонда куз совук келди.

Ўзбекистондаги талабалар ноябр ойи охирларигача йилт этган оклик ҳам кўринмай қолган пахтазорларда қолиб кетишиди.

Мен ҳам ўша кузни барча талабалар қатори пойтахтдан 200 км олисликдаги Мирзачўлда, баракда ўтказдим.

Ташки дунёдан ажралган бу бўлгада на ичимлик суви, на-да электр бор эди.

Менинг вазирам чой қайнатиш, баракни электр қуввати билан таъминлаш эди.

Чой ҳамма учун бир катта титанда, ўтин йўқлигидан керосин фарсунка ёрдамида қайнатилади эди.

Электр эса бензин билан ишлайдиган кўлбола движокдан чиқар эди.

Мен ҳар куни 10 км узокликдаги бош баракдан ичимлик суви, керосин ва бензин олиб келишим керак эди.

Бу иш учун эшак менга асосий дастёр бўлди.

Мен ҳам юришга ҳоли келмай қолган эшакни шундай бўйнидан тортар эдим...

Эшакка икки бидон сув, бир канистр бензин ва бир канистр керосин ортиб, кунига 10 км йўл юрар эдим.

Ноябр охирида ёққан қалин қор бу ишни бениҳоя қийинлаштирди — оғир азобларга чидамаган эшак оламдан ўтди.

Худди шу куни СССР раҳбари Леонид Брежнев ҳам ҳаётдан кўз юмди. Биз телевизор орқали дафн маросимини томоша қилдик. Далаларни қор босганидан, қиларга бошқа ишимиз йўқ эди.

АЛВИДО, ЭШАК!



Мен талабаларга эшакни ҳам тантана билан дафн этишни таклиф қилдим. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Аввалига эшакни дафн қилиш комиссияси тузилди.

Бу комиссияга мен раҳбар бўлдим, зотан эшакнинг сўнгги соҳиби мен эдим.

Баракдан сал нарида эшак учун чуқур қавладик.

Эшакни кўмишдан олдин менга сўз берилди.

Мен оғир кунларимизда бизни ичимлик суви, керосин ва бензин билан таъминлаган заҳматқаш эшак қисматидан гапирдим.

Брежнев дунёни тарк қилган, миллионлаб советлар учун қайғу-ғуссага тўла кунда эшакнинг ҳам бу оламни тарк қилиши дард устига чипқон бўлганини айтдим.

(Нутқ стенограммаси ва унга илова қилинган чакув хати Низомий номили ТДПИ архивининг 234-жавонининг 4-ғаладониди сақланмоқда. Нусхаси МХХ Яккасарой туман бўлимида).

Мендан кейин сўз олган тўрткўллик

йигит рубобда «Меҳрибонимдан айрилдум» кўшиғини ижро қилди. Пролетар шоир Ҳамза қаламига мансуб бу кўшиқ матни бир оз ўзгартирилди.

Ундан кейин сўз олган Санамгул исмли самарқандлик киз марҳум билан боғлиқ хотирасини айтиб берди — камина руҳсати билан бу киз эшакда сайр қилган эди.

Ана шундан кейин сўз олган наманганлик талаба ҳар куни барак дарчасидан марҳум эшакни томоша қилганлигини айтиб қайғусини изҳор қилди.

Дафн маросимига йиғилганлар «Алвидо эшак, хотиранг бешак» дея уч марта хайкирганидан сўнг, марҳум устига тупроқ тортилди.

Андижонлик Нўъмон деган йигит бир тахтачага эшак суратини мой бўёқларда чизиб, тагига «Туғилган кунинг номаълум — аммо жасоратинг абадий!» деган ёзувни ўзбек, рус ва тожик тилида ёзиб қўйди.

Орадан икки кун ўтиб, камина институт комсомол кўмитаси котиби хузурига чақирилдим.

Мени Брежнев дафн маросимини масхаралашда айблашди ва комсомолдан чиқариб, институтдан ҳайдашга қарор қилишди.

Фақат институт бюрократиясининг номукамаллиги боис мен институтдан ҳайдалмасдан қолиб кетдим. Бу энди бошқа ҳикоя...

Эслатма

1982 йилнинг 10 ноябр куни ўлган Леонид Ильич Брежнев қабри Москвадаги Кремл девори ёнида.

1982 йилнинг айни шу куни ўлган эшак қабри Ўзбекистон республикасининг Жиззах вилояти Гагарин тумани 22а совхоз 471-баракдан уч метр қабда.

Шухрат Бобожон

ҚАЛБ МУЗЛИГИ ЭРИЙДИМИ? (4)

Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси Д.Мавлянова котибияти томонидан 2013 йил 13 июнь куни соат 11.00 га тайинланган фуқаро А.Содиқовнинг Олмазор туман бандликка кўмаклашиш маркази раиси М.У.Мухаммадалиевга нисбатан даъво аризасини кўриб чиқиш бўйича суд мажлиси жавобгар томонидан судга келмаганлиги сабабли шу йилнинг 21 июнь санасига қолдирилди. Судья Д.Мавлянова жавобгар томонни судга хурматсизлик қилишдаги маъмурий жавобгарлиги хусусида огохлантиришни лозим, деб топди. А.Содиқов ва бошқа 8 млн.ли меҳнат Армиясининг тақдирига давлат раҳбари И.Каримовнинг, Бош вазир Ш.Мирзиёевнинг эътиборсизликлари, А.Содиқов аъзо бўлган ХДП раиси Х.Кетмонов ва ИГИПУ раиси С.Икромовни унга нисбатан ва бошқа ишсизларга нисбатан қилаётган адолатсизликлари ҳақида яна жамоатчиликка мурожаат қиламиз. Глобал иқтисодий ёвузлик вакиллари

В.Голушев-Г.Крайновлар билан узок йиллардан бери яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётган И.Каримов ўз вазирасини бошқа одамга топширмай туриб, ўз мағлубиятини тан олиши мумкин эмас.

В.Голушев — Ўзбекистонда амалда бўлиб турган иқтисодий қонунларнинг-ғоявий мазмунининг отаси, муаллифи эканлиги жамоатчиликка маълум бўлиб бормоқда.

Г.Крайновнинг эгаллаб турган лавозимининг аҳамиятини ўзбек жамоатчилиги жуда яхши билади.

Иқтисодий ёвузлик сиёсатининг оқибатлари (оммавий ишсизлик, ўзбек сўмининг ҳалокатли қадрсизланиши, пенсия жамғармасининг касодга учраши, солиқ сиёсатининг адолатсизлиги, мажбурий социал тўловларнинг оғир юки, товар-пул муносабатларининг издан чиқиши, бозор муносабатларининг ўз ҳаёти учун кураши) шу кунларда Ислоҳ Каримовни ўзини томоғидан бўғаётганини жамоатчилик кўриб турибди. Ислоҳ Каримов ўзини томоғидан бўғаётган муам-

моларни шахсан ўзи ислохотлар ўтказиш орқали ҳал этиш ўрнига, бу муаммоларни ўз «меросхўри»га қолдириб кетиш йўлидан бормоқда. Бечора Гулнора Каримова отасидан қолаётган «қора мерос»нинг даҳшатини бир дақиқа ҳис қилганида эди, унинг отасидан воз кечиши тайин бўлар эди.

И.Каримовнинг «қора мероси»ни жуда яхши тушунган ҳам Россия, ҳам АҚШ ва бошқалар ундан ўзлари учун хавфсиз қутулишнинг йўлини аллақачондан бери ахтаришмоқда.

Шу сабабли Ички ишлар вазири — Б.Матлюбовни, Солиқ кўмитаси раиси — Б.Парпиевни, Марказий банк раиси — Ф.Муллажоновни, МХХ раиси — Р.Иноятовни Ўзбекистон тарихидаги буюк одамлар бўлиш эҳтимоли кун сайин ошиб бормоқда.

Азизлар! Сизларни яна яқин тарихимизнинг буюк воқеасига айланажак замонамиз қаҳрамони А.Содиқовнинг даъвоси бўйича 21 июнь кунига тайинланган суд мажлисини кузатишга чақираман.

Азамат Худойкулов

ИНСОН ҲАҚИДА ЎРГАНГАНЛАРИМ (2)

Куръони Каримда инсон таърифи

Куръони Карим инсонни мукаммал шаклда таъриф қилгандир. Бу таъриф инсоннинг яратилишини ва яратилиш ғояларини, инсоннинг шакл шамойилини, турли қобиятларини ва унинг ўзаро муносабатлардаги хулқ атворини ўз ичига олади. Аллоҳ таоло илк инсон Одам алайҳиссаломни яратгандан ва унинг зурриётларига Ўзини танитган. Шу шаклда юу ҳаёти дунёда Аллоҳнинг иродаси билан одам фарзанди дунёга келади:

“Қасамки, батаҳқиқ, инсонни (Одам (ас) лой сулоласидан яратдик. Сўнгра уни мустаҳкам қароргоҳда нутфа қилдик. Сўнгра нутфадан алақа яратдик, алақадан чайналган гўшт яратдик, чайналган парча гўштдан суяк яратдик, бас, суякка гўшт қопладик, сўнгра уни бошқа бир жонзот этиб пайдо қилдик. Бас, яратгувчиларнинг энг яхшини Аллоҳ барақотли ва буюқдир. Сўнгра, албатта, сизлар бундан кейин ўлгувчисизлар. Сўнгра, албатта, сизлар қиёмат куни қайта тирилтирилурисизлар” (Мўминлар сураси 12-16)

Бу ояти карималарда аваало инсоннинг лойдан, яъни ердан, тупроқдан яратилгани ифодаланмоқда. Кейин нутфанинг, яъни эркак спермининг ва аёл тухум хужайрасининг бирлашган ҳолда мустаҳкам қароргоҳ бўлган бачадонда ўрин олиши, нутфадан алақ, яъни қон лахтасининг пайдо бўлиши, алақнинг гўштга айланиши ва ниҳоят гўштнинг суякка қопланиб, инсон шаклини олиши мукаммал равишда баён қилингандир.

“У Ўзи яратган ҳар бир нарсани гўзал қилган ва инсонни яратишни лойдан бошлаган Зотдир. Сўнгра унинг наслини ҳақир бир сувдан (манийдан) ажраб чиқадиган қилди. Сўнгра уни ростлади ва унинг ичига Ўз руҳидан пуфлади. У сизларга кулоқ, кўзлар ва диллар пайдо қилди. Қамдан-қам шуқр қилурисизлар” (Сажда сураси 7-9).

Инсонга она қорида руҳ пуфланиши ҳақида Пайғамбаримизнинг ҳадисиди шундай дейилади:

“Сизлардан бирингизнинг яратилиши она қорнида қирқ кунда майдонга чиқади. Сўнгра у бунинг каби алақа бўлади. Сўнгра мудға бўлади. Шундан кейин бир фаришта юборилади ва инсонга руҳ пуфлайди. Бу фариштага тўрт амр берилади: Инсоннинг ризқи, ажали, амали ва сайид ёки шаккоқ бўлиши...” (имом Муслим ривоятлари)

“У сизларни бир жондан яратди. Сўнгра ундан жуфтани қилди ва сизларга чорва ҳайвонларидан саккиз жуфтни туширди. У сизни оналарингиз қорнида уч зулмат ичида, бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста яратадир. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир. Барча мулк Уникидир. Ундан ўзга ҳеч бир ибодатга сазовор зот йўқ. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасиз?” (Зумар сураси 6)

“Эй одамлар! Агар қайта тирилиш ҳақида шубҳа қиладиган бўлсангиз, бас, билингки сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан, сўнгра алақадан, сўнгра битган-битмаган бир чайнам гўштдан ярат-

дик. Ва бачадонларда хоҳлаган нарсамизни маълум муддатгача қарор топдирамиз. Кейин сизларни чақалоқ ҳолингизда чиқарамиз. Сўнгра вояга етишингиз учун (тарбия қиламиз). Сиздан вафот қилиб кетадиганлар ҳам, билганидан кейин ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада тубан умрга (кексаликга) етадиганлар ҳам бор. Ва ерни қақраган ҳолда кўрасан. Қачонки, Биз унга сув туширсак, у сесканар ва кўпчир. Ҳамда ҳар хил гўзал жуфтларни ўстирадир” (Ҳаж сураси 5)

“Анжир билан қасам ва зайтун билан қасам. Ва Тури Сийно билан қасам. Ва мана бу, эминлик юрти (Макка) билан қасам. Батаҳқиқ, Биз инсонни энг яхши суратда яратдик” (Тийн сураси 1-4).

Бу ояти карималар ва ҳадиси шарифда ифодаланган ҳақиқатлар нозил бўлган пайтларда инсон ҳаётининг эмбрион босқичи ҳақида илмнинг ўзи ўртада йўқ эди. Фақат Куръони Карим нозил бўлгандан асрлар ўтиб, эмбриология илми пайдо бўлди ва инсон ҳаётининг эмбрион босқичи ҳақида баъзи маълумотларни ўртага қўйди. Аллоҳ таоло инсонни мана шундай мукаммал шаклда яратди ва инсоннинг яратилиш ғоясини ҳам мана шундай мукаммал равишда белгилади:

“Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим.” (Зориёт сураси 56)

Инсоннинг энг яхши суратда яратилиши ва яратилиш ғоясининг аниқ-равшан бўлиши унинг Аллоҳ таоло тарафидан мукаммал равишда “қодланганлигини ва програмланганлигини” билдиради. Фақат инсон ўзи кашф қиладиган жиҳозларни қодлаганда ва програмлаганда уларга ҳеч қандай фаолият эркинлиги бермайди. Инсон кашфи ҳисобланадиган бу жиҳозлар фақат ўзлари учун тушунилган қодлар ва програмлар доирасида ишлайди. Аммо инсоннинг азизлиги ва муқаррамлиги унга Аллоҳ таоло тарафидан ақл ва идрок кучининг берилишидадир. Шунинг учун ҳам инсонлар кашф қилган жиҳозлар ўз “амаллари” учун ҳеч қандай масъулиятга тобе тутилмас эканлар, мавжудотнинг гавҳари бўлган инсон эътиқоди ва амаллари учун масъул ҳисобланади. Аллоҳ таоло “Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим” дея “програмлашига” қарамасдан Одам фарзандларидан баъзиларининг шайтонга бандалик қилишларини инсоннинг ўз масъулиятини бажармаслиги, дея баҳолаш мумкиндир. Инсон ўз мавжудлигига қўйилган “қодлар ва програмлар” (яъни фитрати) билан яшайдиган бўлса аввало яратган Роббини танийди ва ўзининг нима учун яратилганини билади. Бу ҳолдаги инсон имонли, илмли, адолатли, яхшилиқни севадиган ва ёмонликдан ҳазар қиладиган даражага юксалади. Ўз “қодлар ва програмларига” (яъни фитратига) зид ҳолда яшайдиган инсон имонсиз, ўзига берилган илми яхши-ёмон демай ҳар мақомда ишлагадиган, золим, ёмонликни севадиган ва яхшилиқни севмайдиган бир махлуқга айланади.



Инсон ҳаёти учун унинг ичидаги “қодлар” муҳим бўлгани каби унинг фаолият майдони ҳисобланадиган атроф муҳит ҳам муҳимдир. Инсон ўзи кашф қилган жиҳози учун бинонинг ёки майдоннинг бир бурчагини раво кўрар экан, Аллоҳ таоло Ўзининг энг мукаммал мавжудоти сифатида яратган инсон учун қоинотни ва ер юзини истъеом ва фаолият майдони қилиб яратгандир.

“У сизларга ерни бўйсундириб қўйган зотдир. Бас, унинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг ва қайтиб бориш ҳам Унинг хузурига бўлади” (Мулк 15).

“Ва сизга осмонлардаги нарсаларни ва ердаги нарсаларни—ҳаммасини Ўз томонидан бўйсундириб қўйди. Албатта, ана шунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-белгилар бордир” (Жосия сураси 13).

“Аллоҳ ердаги нарсаларни, денгизда Ўз изни ила юрадиган кемани сизларга бўйсундириб қўйганини ҳамда осмонни изнисиз ерга тушишдан тутиб туришини кўрмадингизми?! Албатта, Аллоҳ одамларга шафқатли ва меҳрибондир” (Ҳаж сураси 15).

“Дарё-денгиз иккиси тенг бўла олмас. Буниси тотли, чанқоқ босар, ичиш осондир. Буниси эса шўр, тахирдир. Сиз ҳар бирдан тоза гўшт ейсиз ва тақинчок чиқариб тақурсиз. Ва Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун у(сув)ни ёриб кетаётган кемаларни кўрурсиз. Шоядки, шуқр қилсангиз”. (Фотир сураси 12)

“У осмондан сув нозил қилган Зотдир. Бас, у(сув) ила турли набототлар чиқардик: Ундан яшил гиёҳларни чиқардик. Ундан ғужум-ғужум бошоқлар чиқарамиз. Ва хурмодан, унинг новдаларидан яқин шингиллар чиқарамиз ва узум боғлари чиқарамиз. Бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни чиқарамиз. Унинг мева қилиш пайтидаги мевасига ва пишишига назар солинг. Албатта, бундай нарсаларда иймон келтирадиган қавм учун оят-белгилар бордир” (Анъом сураси 99).

Инсон сифатида бизнинг бу илоҳий ҳақиқатлардан чиқарадиган хулосамиз шундан иборат бўлиши керак: Аллоҳ таоло инсонни муқаррам қилди, еру осмонлардаги барча нарсаларни инсонларнинг манфатлари учун яратди. Инсонни эса фақат Ўзига бандалик қилиш учун яратди.

Инсон яратилишининг яна бир жиҳати одамларнинг яқка ҳолда эмас, жамият ҳолида яшаш қоидасидир.

(Давоми кейинги саҳифада)

ИНСОН ҲАҚИДА ЎРГАНГАНЛАРИМ (2)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Зеро, тажрибаларда у ёки бу сабабдан жамиятдан ажралиб, бир ўзи тоғларда ёки оролда яшашга мажбур бўлган инсонларнинг ўз фитрий хусусиятларини қисман йўқотишлари маълумдир. Бундай инсонларнинг тафаккур кучи, ирода-си, зехни, бошқалар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиши жиддий шаклда зарар кўради.

“Эй одамлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан унинг жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Роббингиздан кўркинлар! Номини ишлатиб бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик (алокалари бузиш) дан кўркин. Албатта, Аллоҳ устингиздан рақобат этувчи зотдир”. (Нисо 1)

“Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфлар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларга пок ризқларни берди. Ботилга иймон келтирадиганлар-у, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирадиганларми?! (Наҳл сураси 72)

Аллоҳ таоло инсонларнинг жуфт ҳолда яъни эркак ва аёл ўларок яратилишини, улар орасида севги муҳаббатнинг бўлишини ва бу орқали улар сокинлашишларини, роҳатлашларини Ўзининг борлигининг далили сифатида билдиргандир.

“Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир”. (Рум сураси 21)

Ҳақиқатан ҳам эркак ва аёл орасидаги севги Аллоҳга имонни асос оладиган ва Аллоҳ ризосини мақсад қилиб олади-

ган бўлса, бундай севги ҳақиқий севгидир. Ва бундай оила бахтли, эру хотин бир-бирлари учун роҳатлик ва сокинлик берадиган бахтли оиладир. Акс ҳолда эркак ва аёл орасидаги муносабат жинсий шахват, хузурсизлик ва бахтсизликдан бошқа нарса бўлмайди.

“Эй инсонлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро танишишингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг хузурида энг хурматлигингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (Хужурот сураси 13).

Қуръони Карим инсоннинг умумий сифатларини таъриф қилиш билан бирга кишиларни Аллоҳ таолога тўғри имон келтиришлари, яъни тавҳид динига муносабатларига қараб турли тоифаларга ажратгандир. Булар муваҳхидлар (мўминлар), Аллоҳга имон келтириш билан бирга Унга турли бутларни шерик қиладиганлар (мушриклар), Аллоҳ таолога имон келтирдик дейдиган, аслида эса имон келтирмаган ёлгончи кимсалар (мунофиқлар) ва умуман илоҳий ҳақиқатларни тан олмайдиган инкорчи (кофир) кимсалардир. Бундай айирим нафақат инсонларни имон масаласида танишнинг, балки уларнинг ҳаётга муносабатларини ва ҳаёт тарзларини, шунингдек фикрий ва амалий ташаббусларининг асосларини ўрганишнинг ҳам калити ҳисобланади. Чунки мўмин кишининг ҳаёт тарзи, фикрлари ва ташаббуслари ҳаёти давомида ўзгармас қоидалар доирасида жараён этгани каби, мушрик ва мунофиқларнинг ҳам ҳаёт фалсафалари ва ҳаёт тарзлари эътиқодлари ёки танлаган ҳаёт йўлларига мос бўлади. Қуръони Карим инсонларнинг бу шаклда турли гуруҳларга бўлинишларининг

зоҳирий ва ботиний хусусиятларини ҳам таъриф қилгандир. Мўминларнинг ботиний хусусиятларидан баъзилари тавҳид ақидаси, ихлосли ва эҳсонли, яхши ни-ятли, тақволи бўлиш, тавба тазарруни унутмаслик, Аллоҳни зикр қилиш каби хусусиятлардир. Бундай ботиний хусусиятларнинг инсон зоҳирида ўртага чиқиши эса табиий натижадир. Яъни, мўминлар Аллоҳ таолога итоат ва ибодат қиладиган, яхши амалларни бажарадиган, адолатни ўрнига келтирадиган, зулм ва ёмонликни бартараф қиладиган кимсалардир. Бунга муқобил аҳли куфрнинг қалбларида риё, ширк, нифоқ, кибир, ёлгон, ҳасад каби ботиний хусусиятлар ўрин олади. Натижада умрини Аллоҳ таолога исён билан ўтказадиган, шахват ва нафсоний орзуларига муккасидан кетган, золим, худбин, ёлгончи кимсалар ўртага чиқади.

Ушбу бўлимда айтилганларни қисқа ҳолда хулосалайлик: Инсонни Аллоҳ таоло энг мукаммал шаклда яратган ва инсоннинг яратилишининг бутун босқичлари Қуръони Каримда энг олий даражада ўз ифодасини топгандир. Инсонларнинг яратилиш ғояси уларнинг Аллоҳ таолога бандалик қилишларидир. Аллоҳ таоло еру осмондаги нарсаларни инсонларнинг манфаати учун яратгандир. Инсонларнинг эркак ва аёл қилиб яратишлари ва улар орасида севги муҳаббатнинг бўлиши Аллоҳнинг борлигининг далилларидандир. Аллоҳ таоло инсонларнинг жамият ҳолида яшашларини ирода қилган ва бу мақсадда инсонлар турли қабил ва миллатларга ажратилганлар. Аллоҳ таолога имон келтириш масаласида инсонлар мўминлар, мушриклар, мунофиқлар ва кофирлар тоифасига ажралади. Мўминлар ва аҳли куфрларнинг ботиний ва зоҳирий хусусиятлари бир-бирдан фарқлидир.

Намоз Нормўмин

ЗОВУР ВА КАНАЛ СУВИГА ҲАМ ПУЛ ТўЛАШЯПТИ



Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида ичимлик суви муаммога айланганига кўп йиллар бўлди.

Аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлайдиган қувурлар аллақачон чириб бўлган, халқ эса гоҳ каналдан оқиб келадиган, гоҳида ўзларидан анча узоқда оқиб ўтадиган

манбалардан сув ташиб келишга мажбур қолишган. Зафаробод туманининг баъзи жойларида, яъни чекка хўжаликларида эса аҳоли зовур (коллектор) сувини истеъмол қилишга мажбур бўлаёпти.

Бунга мисол қилиб Ф.Хўжаев номли хўжалиг аҳолисини келтириш мумкин.

Бунинг оқибатида турли хил юқумли хасталиклар тарқалмоқда.

Бунга туман ҳокимлиги ва лавозимли шахслар қандай чора кўраёпти деган саволга келсак.

Ҳар ойлик ичилмаган сув учун халқдан, яъни ҳар оиладан 5000 (беш минг) сўмдан пул йиғиб олишмоқда.

Маҳаллий аҳолининг сўзига кўра, пул йиғувчиларга қарата улар «биз водопровод суви эмас, каналдан ташиб ичяпмизку» — деганларига, «канал суви ҳам давлатники», — деган жавобни олишяпти.

Яна бир ажабланарли томони шундаки, йиғиб олинаётган пуллар учун бирор қвитанция ҳам берилмайди.

Албатта бу ҳаракатлар тўғрими, одамлар тоза ичимлик сувини ичганида ҳам алам қилмаган бўларди. Лекин канал сувини ичганлик учун ҳам пул тўлаш қайси қонунда бор экан?

Ҳақиқат учун, Жиззах вилояти



2014 йилда бўладиган Жаҳон чемпионати саралашининг сўнгги босқичдаги Ўзбекистон-Ливан ва Ўзбекистон-Қатар учрашувлари арафасида ўзбекистонлик футбол мухлислари чипта ололмади ҳалак бўлиб юришларини, чиптага етишганларнинг аксарияти эса уни олибсотарлардан қиммат нархларда олаётганини кўриб: “Мухлисларга — жаҳон чемпионати, олибсотарларга — чипта “чемпионати”, мутасаддиларга эса — хавфсизлик керак”, — деган хулосага келдим.

Ушбу учрашувлардан олдин ЎФФ ва “Бунёдкор” стадиони мутасаддилари: “Чипталар олибсотарларнинг кўлларига тушишига қарши кескин чоралар кўрамиз! Чипталарни сохталаштиришнинг олдини оламиз!” кабилидаги ваъдаларни беришганди. Аммо Ливанга қарши ўйин олдида улар олибсотарларга қарши амалда қандай курашганини кўрдик: мухлисининг куни чайқовчиларга қолиб кетди.

Қатарга қарши ўйин арафасида чипталарни қалбакилаштириш борасида амалий ишлар қилинган бўлса ҳам, чипталар чайқовчиларни кўлларига туширмакликка ва нарх-навонинг сунъий кўтарилишига қарши ҳеч нарса қилинмади. Натижада ушбу учрашувдан олдин “Бунёдкор” стадиони кассалари олдида кун бўйи навбатда туриб, уйларига чиптасиз кетган юртдошларимиз кўп бўлди.

15 июнь куни uff.uz сайтида соат 10:58да эълон қилинган “Чипта оладиган кўп, сотадиган-чи?!” сарлавҳали хабар остига 230-чи рақам остида (2013-06-15 16:39:01 да) қолдирилган шарҳда РАХТАКОР-1979 никли мухлис “Бунёдкор” стадиони кассалари олдидаги ахволни шундай тасвирлаган:

“Мен ҳозиргина Бунёдкор стадионидан келдим; чипта соат 11,30-дан 13,30гача сотилди, тахминан 200 киши белит олаолди халос. Кейин тахминан 1000-1500 одамни мелисалар белит қомади, бор уйлариинга оёк остида уралашмай деб ҳайдаб солди. Одамлар ҳали ҳамон белит олиш умидида, кузлари жовдираб стадион кассаси атрофида уралашиб юрибди!!! Худди УЗБ-ЛИВАН ўйини олдидаги Билет ўйини такрорланмоқда!!! Чипта қомаганмиш, ўзи тузикрок сотилмадику????”

15 июнь куни Stadion.Uz соат 13:24да киритилган “Қатар билан ўйинга Шорахмедов керак!” сарлавҳали мақола остига 91-чи рақам остида (15.06.2013 13:24 да) шарҳ қолдирилган JONESMU никли мухлис эса Ўзбекистон-Қатар ўйинидан олдинги чипта оломони ичида хорижлик (корейлик) меҳмонлар ҳам борлиги ҳақида ёзган.

Баъзи мухлислар эса Ўзбекистон-Қатар ўйинига чиқарилган чипталар маҳалла кенгашлари орқали тарқатилаётганини

билдирганлар. Масалан, 15 июнь куни uff.uz сайтида соат 10:58да эълон қилинган “Чипта оладиган кўп, сотадиган-чи?!” сарлавҳали хабар остига 225-чи рақам остида (2013-06-15 16:18:11да) қолдирилган шарҳда ВАХА7077 шундай беган:

“Жонга тегди билет можароси. Биттаси сотомиди иккинчиси оломиди. А так билетни маҳалла комиссияларида тарқатишвотти. Битта паспортга битта билет. Овотганладан эшитдим. нархи суний оши-

ХАВФСИЗ ФУТБОЛ ВА ЧИПТА “ЧЕМПИОНАТИ”

рилмаган. Паспорти йуқлар метрикасини оборсаям булади”.

“Бунёдкор” стадиони олдида рўй бераётган “чипта оломони”ни кўриб, Ўзбекистон-Қатар ўйини чипталари стадион кассаларига жуда кам микдорда чиқарилганини пайқаш қийин эмас эди. Яъни кассалардаги таклиф ва оломоннинг талаби ўртасида катта фарқ бор эди. 15-17 июнь кунлари “Бунёдкор” стадион кассалари олдида нари борса 2-3 минг одам бор эди. 34 минг ўриндиқли стадион маъмурияти кассаларга ҳеч бўлмаса 2-3 минг чипта олиб чиқиб сотса, бу оломон чиптасини олиб, тезда уйига равона бўларди. Аммо одамлар тарқалмади, чунки чипта ола олмагандилар. Нега? Чунки касса орқали сотувларга 2-3 мингдан ҳам кам чипта чиқарилган эди.

“Қолган чипталар қани?” — деган савол туғилади. Қолган чипталар эса 2013 йил 27 май куни Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича комплексида ўтказилган йиғилишда давлат идораларига тақсимлаб берилган.

Мажлисда тақсимланган чипталар Ушбу йиғилишда 131-сонли баённома қабул қилинган. Уни кўздан кечирсангиз, Ўзбекистон-Қатар ўйинига чиқарилган чипталар қуйидагича тақсимланганини кўрасиз:

- Тошкент шаҳар ҳокимлигига — 6620 та,
- Ўзбекистон футбол федерацияси, ОФК ва Қатарлик меҳмонларга — 2000 та,
- Олий таълим муассасаларига — 4000 та,

- Ўзбекистон профессионал футбол лигасига — 2000 та,

- “Бунёдкор” спорт мажмуаси кассаларига — 13780 та.

Мазкур тақсимотга чуқурроқ назар ташланса, Ўзбекистон-Қатар ўйини арафасида билет машмашасининг илдизлари ушбу йиғилиш ва унда қабул қилинган тақсимотга бориб тақалишини билиш мумкин. Биричидан, 34 минг кишилиқ стадионда ўтган мазкур учрашувга жами 28400 дона чипта чиқарилгани киши диккатини тортади. Қолган 5600 ўриндиқ учун нега чипта чиқарилмади?

Агар қолган 5600 чипта чиқарилмаган бўлса, 18 июнь куни ўтказилган Ўзбекистон-Қатар учрашувида биз “Бунёдкор” стадионида бўш ўриндиқлар қолганига, яъни арена тўлмай қолганига гувоҳ бўлишимиз керак эди. Аммо шу куни ундай бўлмади: “Бунёдкор” стадиони учрашув бошлангунча деярли тўлиб бўлганди. Нега бундай бўлди?

“Билетсиз” қолдирилган 5600 ўриндиқларда кимлар ўтиришди?

Улар “Бунёдкор” стадиони худудига ва ичкарасига билетсиз қандай киришди? Ахир, аренага билетсиз киришнинг имкони умуман йўқ-ку! Ёки биз 34 минг ўриндиқли деб ўйлаётган “Бунёдкор” стадиони аслида 28400 ўриндиқли эканми? Ундай дейилса, барча расмий маълумотларда стадион ўз бағрига 34 минг кишини сиғдириши кўрсатилган. Тушунарсиз ҳолат.

Ёки бўлмаса, расман “билетсиз” қолдирилган ўша 5600 ўриндиқка амалда билет чиқарилгану, лекин юқорида кел-

тирилган баённома ва қарорда бу ҳолат кўрсатилмадими? Яъни 5600 ўриндиқни эгаллаган мухлислар амалда ўз жойлари учун пул тўлагану, бу ҳолат ҳеч қаерда расман акс этмадими экан? Ундай бўлса, ўша 5600 киши тўлаган пуллар қайси кассага тўланди? Агар шунча одам чиптани ўртача 20 минг сўмдан олган бўлса, улар ўша “номаълум” кассага жами 112 миллион сўм тўлаганлиги ойдинлашади.

Балки, биз учун “сирли” ва “маҳфий” бўлиб қолаётган ўша 5600 киши “Бунёдкор” стадионида ўтган Ўзбекистон-Қатар учрашувига ҳеч қандай билетсиз, ҳеч қандай тўловсиз, яъни текинга ташриф буюргандир? Балки улар аслида мухлислар ҳам эмас, шу ўйинга хизмат сафарига юборилган “мухлислар”дир?

Ўзбекистон-Қатар учрашуви ва ундан кейинги матбуот анжуманлари якунига етгач, яъни ўйин якунидан тахминан 1-1,5 соат ўтгач, “Бунёдкор” стадиони автотураргоҳидаги махсус автобусларда оқ, яшил, мовий ва қизил рангдаги футболкалар кийиб олган мухлислар ўтиришганига кўзим тушганди. Балки, улар ўша 5600 кишилиқ “сирли” гуруҳнинг аъзоларидир?

Машхур кинокомедия қаҳрамонларидан бири Иван Васильевич Бунша: “Шпакнинг магнитофони, элчининг медальони...”, — деб, ҳар нарсдан шубҳаланганидек, юқоридаги тақсимот юзасидан ҳам турли шубҳали саволлар туғилаверади. Майли, 5600 кишилиқ “мухлислар” гуруҳини тинч қўйиб, эътиборимизни расман чиқарилган 28400 чиптанинг қандай тақсим қилинганига қаратайлик.

Чикмасидан олдин эгаларини топган чипталар

Дарҳақиқат, чиқарилиши Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда расман эълон қилинган ушбу 28400 чиптанинг деярли тенг ярми (14620 чипта) ўз эгаларини ҳали босмаҳонадан чикмасидан олдинок топиб улгурган. Эслатиб ўтаман, 2013 йил 27 май куни Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари бўйича комплексида ўтказилган йиғилишда “Бунёдкор” спорт комплекси кассалари орқали эркин сотувга 13780 чипта чиқарилган, қолган 14620 чипта эса Тошкент шаҳар ҳокимлигига, Ўзбекистон футбол федерациясига, ОФК ва Қатарлик меҳмонларга, Олий таълим муассасаларига, Ўзбекистон профессионал футбол лигасига бўлиб берилган.

Ўша 14620 чиптани ўзаро бўлиб олган идоралар чипталарни кимларга сотган бўлиши мумкин?

(Давоми кейинги саҳифада)

ХАВФСИЗ ФУТБОЛ ВА ЧИПТА “ЧЕМПИОНАТИ”

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Тошкент шаҳар ҳокимияти ўзига тегишли 6620 чиптани туман ҳокимиятларига, улар эса тумандаги давлат идораларига ва маҳаллаларга етказиб берган бўлиши мумкин. ЎФФ эса ўзига ажратилган 2000 чиптани федерация ходимларига, вилоят футбол федерацияларига, футбол фахрийларига ҳамда хорижий меҳмонларга етказган бўлса керак. ЎзПФЛ чекига тушган 2000 чипта ушбу идора ходимлари ва футбол клублари ўртасида тақсимланган бўлиши мумкин. Олий таълим муассасалари эса ўзларига ажратилган 4000 чиптани ўқитувчи ва талабаларга тарқатди, дейлик.

Агар чипта тарқатилиши бўйича режалаштирилган ишлар рисоладагидек амалга оширилган бўлса, расман чиқарилган 28400 чиптадан 14620таси Тошкент шаҳри аҳолисига тарқатилган бўлиб чиқади. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, пойтахтдаги давлат идораларида ишламайдиган ёки давлат идораларида танишлари йўқ ишқибозларнинг ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган мухлисларнинг умиди фақат “Бунёдкор” спорт комплекси кассаларида эркин сотиш учун чиқарилган 13780 чиптадан эди.

Лекин “Бунёдкор” спорт комплекси кассаларига шунча чипта чиқарилди? 15-18 июнь кунлари футболга оид маҳаллий сайтларда футбол ишқибозлари томонидан қолдирилган шарҳларга кўра, стадион кассаларига деярли 14000 чипта чиқарилганига ишониб қийин. Албатта, расмий қозғоларда “Бунёдкор” кассаларига шунча билет чиқарилган бўлиши мумкин. Аммо амалда шундай бўлганига ишонч йўқ. Чунки “Бунёдкор” стадиони кассаларининг ойналарига 16 июнь кунидек “Билети реализована. Билет йўқ” деган ёллонлар илиб қўйилганди.

“Бунёдкор” кассаларида жуда кам чипта сотилганига ушбу мақола бошида батафсил тўхталдик ва стадион кассаларига чиқарилган чипталар сони 2 мингга ҳам етмаслигини таҳмин қилиб ўтдик. Менимча, “Бунёдкор” стадиони кассаларига 13780 дона чипта чиқарилганда, Ўзбекистон-Қатар ўйини олдиан олиб-сотарларнинг қўлларидаги чипталарнинг нарҳи 50, 100, 150 ва 200 минг сўмгача кўтарилиб кетмасди.

Ўзбекистон-Қатар ўйинига чиқарилган чипталар нега асосан давлат идоралари ва маҳаллалар орқали тарқатилди? Нега ушбу учрашувга чиқарилган чипталарнинг аксарияти пойтахт аҳолисига тарқатилди? Нега чипта тақсимотида вилоятлардаги футбол мухлисларининг манфаатлари инобатга олинмади? Ушбу саволларга ўзимнинг қузатувларим асосида жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Хавфсизлик устиворлиги, “ҳарбий-стратегик” иншоот ва чипта “чемпионати” “Бунёдкор” стадиони очилишида Ўзбекистон президенти Ислам Каримов ушбу иншоотга юкори баҳо бериб, уни кўз қорачигидек асрашни таъкидлаганди. Шундан сўнг иншоотдаги хавфсизлик чоралари сезиларли даражада кучайтирилди. Бу чоралар шу даражада мукамаллаштирилди-ки, “Бунёдкор” стадиони спорт иншоотига эмас, ўзига хос

ёпик “ҳарбий-стратегик” объектга айланиб қолди.

Менимча, кейинчалик баъзи мутасадди идоралар хавфсизликни футболдан ҳам, ишқибозлардан ҳам устун кўя бошладилар, шекилли, Ўзбекистон терма жамоаси ўйинларига чиқарилган чипталарнинг аксариятини асосан давлат идоралари ходимларига тарқатиш йўлига ўтишди. Нега?

Чунки терма ўйинлари бўладиган “Бунёдкор” стадионига давлат идораларидан борадиганлар ўша ерда тартибни бузмасдан, тинч ўтириб, индамай келишади. Лекин ҳақиқий ишқибозларнинг тартибни бузмасдан футбол томоша қилишига қафолат йўқ. Биринчи тоифа “мухлислар”нинг ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш осон бўлса, иккинчи тоифа “зиёратчилар”нинг ўтириш-туришини жиловлаш қийинчилик туғдириши мумкин.

Ўнда қилиб айтадиган бўлсам, мухлисларга футбол ва жаҳон чемпионати керак бўлса, мутасаддиларга осойишталик ва тинчлик керак бўлапти. Икки тарафнинг интилишларидан унумли фойдаланишга интилаётган чайқовчиларга эса чипта “чемпионати” (ЧЧ)дан бошқа нарса керак эмас. ЖЧ-2014 йўлига ЧЧ-2013 ҳам ўзига хос тўсиқ бўлаётгани олиб-сотарларни қизиқтирмайди.

Бу вазиятда чиптасиз қолган ёки чипталарни олиб-сотарлардан қимматга сотиб олган футбол ишқибозларининг эътирозларини тушунмасдан илож йўқ. Юзаки қараганда мутасаддилар томонидан хавфсизлик ва осойишталикнинг ҳамма нарсасдан устун қўйилиши ҳам ўринлидек туюлади. Лекин шундай савол туғилади: хавфсизликни ўйлаб, чипталарнинг давлат идоралари ходимлари орқали тақсимланиши ўз самарасини бердими?

Юзаки қараганда, самарасини бергандек туюлади. Чунки Ўзбекистон-Қатар ўчрашуви мутасаддилар орзу қилганидек тинч ва осойишта ўтди. Лекин чипталарнинг мажлисда тақсимланиши натижа-сида юзага келган чипта “чемпионати” ва бу “чемпионат”дан зарар кўрган минг-минглаб мухлисларнинг норозиликлари хавфсизликка таҳдид эмасми?

Албатта, мутасаддилар чипталарнинг мажлисларда тақсимланишини “чайқовчиларга қарши кураш” деб айтади. Лекин амалда чипталар барибир олиб-сотарларнинг қўлларига чиқиб кетдику! Терма жамоанинг ўйинларига чиқарилган чипталарни ўз идораларидан олган ишчи-ходимлар чипталарини ҳақиқий футбол ишқибозларига қиммат нарҳларда пулламаганлигига қафолат борми? Чипталарнинг бу йўлда тақсимланиши ўзини қанчалик оқлади?

Берилмайдиган таклифларим ҳақида

Танқидий мақолаларим остига: “Шунча танқид ёзибсиз. Таклиф қани?” – дейдиган ўқувчиларга дарров дангалини айтаман: “Ҳеч қандай таклиф бермайман!”.

Чунки таклиф берганим билан уни ҳеч ким бажармайди. Мисол учун, “Келинг, термамизнинг ўйинларини ҳаммамиз учун кадрдон бўлиб қолган “Пахтакор” стадионига кўчирайлик!” – деган таклифимни билет машмашаларидан чарчаган ишқибозлар қўллаб қувватлаши мумкин.

Лекин мутасаддилар-чи? Раҳбарлар: “Нега миллий терма жамоа ҳали ҳам “Пахтакор”да ўйнапти?” – деб сўрашса, мутасаддилар нима деб жавоб беришади? Шунинг учун мутасаддиларга терманинг ўйинлари “Бунёдкор”дан бўлгани тинчрок!

Ёки, масалан, “Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўйинларига чиқариладиган чипталарнинг нарҳларини ошириб, Интернет орқали ёки “Paynet” тизими орқали сотишни йўлга қўйиш керак. Шунда пойтахтдаги ва вилоятлардаги мухлисларнинг манфаатлари тенг инобатга олинади”, — деган таклифни ўртага ташласам, мутасаддилар шу йўлда бирор чора кўрадилми?

Менимча, йўқ. Чунки чипталарнинг бу тарзда тақсимланиши хавфсизлик устиворлигига путур етказди. Чекка вилоятлардаги мухлислар “Paynet” орқали чипта сотиб олиб, терманинг ўйинига, “Бунёдкор”дек “ҳарбий-стратегик” қошонага ташриф буюришса, улар ўйинни ишқибозлардан кўришига қафолат борми? Йўқ! Ундан кўра чипталарни ҳукумат йиғилишларида давлат идоралари ходимларига тақсимлаб берган тинчрок!

Менимча, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг кейинги ўйинлари яна “Бунёдкор” стадионида ўтказилса ва бу ўйинларга чиқариладиган чипталар ҳукумат йиғилишларида тақсимланишда давом этса, термамизнинг ўйинлари аста-секин Алишер Навоий номли Миллий боғдаги амфитеатрда нишонландиган расмий байрамларга ўхшаб, фақат махсус таклифномалар орқали кўриладиган бўлиб қолади.

“Бунёдкор” стадионида ўтказиладиган бундай учрашувларга махсус таклифномалар ила ташриф буюрадиган “мухлислар” эса 5600 кишилик “маҳфий” гуруҳнинг буйруғи билан ҳайкириб, топшириғи билан “тўлқин” қилиб келаверишади. Ана шунда термамизнинг ўйинлари олдиндан тузилган сценарий асосида ва махсус “мухлислар” назорати остида ўтадиган давлат табдирига айланади-қолади.

Ана шунда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва ўзбекистонлик миллионлаб футбол мухлислари йўлига тўғанок бўлаётган ОФК, Эрон футбол федерацияси ёки япон ҳакамлари сафига хавфсизликни олий мақсад қилган мутасаддиларимиз ҳам беихтиёр қўшилишади. “Зато”, “ҳарбий-стратегик” спорт иншоотидаги ўйинлар тинч ўтиб, осойишталик таъминланади!

Шулар ҳақида ўйлар эканман, бундан 3 йил олдин Намангандаги марказий стадионида рўй берган бир ҳолат эсимга тушиб кетди. “Навбахор”-“Пахтакор” учрашуви-га келган тумонат мухлисни кўрган тартиб посбонларидан бири: “Менга қараса, “Навбахор”нинг ўйинларини Тошкентда, “Пахтакор”нинг ўйинларини эса Наманганда ўтказтирардим. Шунда стадионларга бунчалик оломон келмасди, биз ҳам тинч яшардик”, — деганди.

“Мухлисларга футбол, мутасаддиларга эса тинчлик керак экан”, — деган хулосага ўшанда келгандим. Ўзбекистон-Қатар учрашуви-га чиқарилган чипталар ҳукумат йиғилишларида давлат идораларига тақсимланганини кўриб, бу хулосам долзарб эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Ҳеч ким Аллоҳнинг изнисиз ўлмади.

Ўлим маълум бир муддатга кўра ёзилгандир...

(“Ол-и Имрон” сураси, 145)

Ҳар бир жон эгаси ўлимни тотғучидир.

(“Ол-и Имрон” сураси 185)

Замонавий жамиятнинг туғилишга бўлганидек, ўлимга ҳам ҳурмати қолмаган.

Инсон ризки, яъни юрак уриши ва нафас олиш сони (юрак зарби) тугамаган бўлса, ҳеч қандай касаллик ўлимга сабаб бўла олмайди. Айни пайтда, ризқ битса, ҳеч қандай тиббий муолажа инсонни ҳаётда олиб қололмайди.

Аллоҳ бир ҳадиси қудсийда, “Тўрт нарсани ўзгартирмайман: Яратиш, қадар, ризқ ва ажал”, дея марҳамат қилган. Бу ҳақиқатни идрок этаолган киши хоҳ ўзи, хоҳ яқинлари бирон касалликка чалинганида кўркув, ваҳима ва шошқалоқликка тушиб, кераксиз ҳаракатлар қилмайди. Инсон касалланганида ўлиши ва абадий ҳаётга қайтишини ўйлаб, кўз олдига келтириши ва шунга тайёргарлик кўриши керак.

Касаллик бошланган пайтда, биринчи навбатда, клизма қилинади, қорин оғриғи бўлса, клизма шифокор назорати остида қилинади. (Ичаклар тўла бўлса, захар қонга ўтиб, беморнинг аҳволи оғирлашади. Ичаклар бўшатирилган бўлса, қон ва бошқа аъзолардан захарни сўриб олади).

Ичаклар бўшатирилгач, ғусл ёки таҳорат олинади. Бу билан вужуд спазм, томир ёрилиши, томир тикилиши каби хавфлардан ҳимоя қилишга куч қозонади.


Беморнинг иштаҳаси очилгунга қадар оч ва сувсиз қолиши лозим. Аммо чидай олмаса, сув ёки сув қўшилган лимон, анор ёки олма суви бериш мумкин. Ҳадиси шарифда “Беморларни ейиш ва ичишга зўрламанг. Аллоҳ уларни едиради ва ичиради”, дейилгандир.

Бундай ҳаракат, қандай касаллик бўлсада, энг тўғри йўлдир.

Агар касаллик ўлимдан далолат бўлса, инсон ўлимга тайёрланган бўлади. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) “Оч ва сувсиз холда ўлишга ҳаракат қилинлар”, деб марҳамат қилганлар.

Ҳазрати Али (р.а.) шаҳид қилинишдан бир неча кун олдин вафот қилишини ҳис қилган ва еб-ичишни тўхтатган эканлар. Нима учун бундай қилганини сўрашганида “Амри

ЎЛИМ



илоҳийнинг оч холимда рўёбга чиқини хоҳлапман”, деган эканлар.

Ўлимнинг фақат ажалга боғлиқлигига ишонган инсон шифохонага бормасдан, ўз уйда, яқинлари ёнида Куръони карим ўқиб, ўлимга

тайёрланиш йўлини танлайди.

Умр юрак уришлари сони, яъни юрак ризқига боғлиқ. Юрак ҳам Аршга боғлиқлигига кўра, ўлим юракнинг Аршдан узилиши билан рўй беради. Юрак Аршдан узилгач, бир муддат яшайди. Буни куйидаги мисол билан тушуниб олиш мумкин: жўмраги иккинчи қаватда бўлган қувурдан боғчага сув куйилади. Жўмрак ёпилгач, қувур ичида қолган сув яна бир муддат оқиб туради.

Шунинг учун, боғда турган киши жўмракнинг ёпилганини сал кейинроқ тушунади.

Аллоҳ наздидаги вақт билан дунёдаги вақт орасида катта фарқ бор. Аллоҳ “Бизнинг наздимизда бир кун сизнинг юз йилингиз қадар”, дея марҳамат қилганига қараганда, юракнинг Аршдан узилган вақти билан ўлим орасида кечган бир он дунёда бир неча кун ёки бир неча ҳафтагача давом этиши мумкин.

Аслида, юракнинг Арш билан алоқаси узилган ондан бошлаб, ўлим аниқлашган бўлса ҳам, на бемор ва на яқинлари бунинг фарқи бораолмайди. Бу худди юрак тўхтаб қолгандан сўнг миянинг бир муддат ишлаб туришига ўхшайди. Бу вазиятда инсон баъзи туйғулар ёки тушлар орқали ўлимни ҳис қилади, лекин ишонгиси келмайди. Юраги Аршдан узилган киши яшаган онлар унинг ўз амалларига лойиқ ўлим шаклини кутиш пайтидир, деса бўлади.

Баъзилар жарроҳлик столида, баъзилар эса саждада кутганини топади.

Хуллас, инсон жарроҳлик амалиёти қилингани, унга кеч қолгани, нотўғри даволангани ёки бошқа сабаблардан эмас, ажал келгани учун ўлади.

“Аллоҳ ҳеч бир нафсинг ажалини асло кечиктирмайди” (“Мунофиқлар” сураси 11 оят).

Киши ўлганида, у билан бирга атрофидагилар ҳам катта имтиҳондан

ўтади. “Муолажа сабабли ўлди”, “Муолажа қилинганида ўлмас эди”, “Шу машинага чикмаганида эди”, каби фикрлар ширкка олиб келади.

Ўлим туғилишга ўхшайди. Туғилишда жон бачадондан - дунёга, ўлимда эса - бу дунёдан нариги дунёга ўтиш қилади. Жонни бачадонда 40 ҳафтадан кўп тутиш мумкинми? Бунинг чақалок учун бирон фойдаси борлигини ким даво қила олади?

Шунингдек, ўлимга қараб кетаётган кишини ҳам дунёда тутиб қолишга қилинган ҳаракатда ҳеч қандай хайр йўқ. Аксинча, бу ўша кишига қилинган энг катта зулм ва охираат ҳаётига нисбатан қилинган беписандлик бўлади.

Ҳатто натижаси ўлим билан тугайдиган касаллик ҳам ўлимга сабаб бўла олмайди! Аслида, бундай касаллик - Аллоҳнинг инсонга ўлимдан олдин бахш этган раҳмати ҳисобланади. Яъни, киши сабр қилиб, ҳадидан ошмаса, исён қилмаса, барча гуноҳларидан фориғ бўлиб, покланишга фурсат топади.

Қул касалланганида, Аллоҳ шундай марҳамат қилади: “Касаллигида сабр қилган қулимнинг жонини қабз этсам, хайрга қабз этган бўламан. Агар офият берсам, этини унинг этидан хайрлиси билан, қонини унинг қонидан хайрлиси билан алмаштирган бўламан”.

Ҳадисдаги сабр сўзининг маъносини ўйлаб кўришимиз керак. “Ҳаром” билан “шифо”нинг ва “оғрик қолдирувчи” билан “сабр”нинг бирга келмаслигини унутмаслигимиз лозим. (“Қон олдириш”, “Дорилар”, “Бош оғриғи”, “Аъзоларни алмаштириш” ва “Сўнгсўз” бўлимларига қаранг.)

“Инсон ўлимдан кўрқадди ва ундан қочади. Ҳолбуки, ўлим уни ҳар қандай фитнадан қутқаради.” (Ҳадиси шариф).

ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош